ЎзССР Давлат китоб палатаси
Ташк.
Рес. кит. палатасининг ЎзССР

Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 169 (8. 367) ◆ 1993 йил 22 сентябрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 сентябрь куни Америка Қўшма Штатларининг «Юнайтед Технолоджис» корпорацияси Президенти Жорж Дэвид бошчилигидаги ишбилармонлар делегациясини қабул қилди.

Ислом Каримов суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Америка ишбилармонлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

Ўзининг аниқ иқтисодий йўналишини белгилаб олган республикамиз сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган ҳалол ва илғор фирмалар билан ҳамкорлик қилишни истайди, — деди мамлакат раҳбари. — Ислоҳотимизнинг беш принципидан бири иқтисодиётни сиёсатдан ҳоли қилишдир.

Меҳмон қабул учун Президентга миннатдорлик изҳор этар экан, қўл остидаги корпорациянинг совутгичлар, самолёт двигатели ва парраклари, вертолёт, лифт ускуналари каби маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи фирмалари билан Ўзбекистон корхоналари ўртасида йўлга қўйилаётган истиқболли алоқалар хусусида сўзлади.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў. Султонов қатнашди.

(ЎзА).



Ўрта Осиё кабеллар корхонасида ишлаб чиқарилаётган кабеллар сифатлилиги ва зич ўралганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Чунки корхонанинг энг тажрибали ишчилари шу ерда меҳнат қилишади. Роза Хакимуллина 21 йилдан буён назоратчи — қопловчи бўлиб меҳнат қилади. У ишлаётган қоплаш цехида бир сменада 3—3,5 километр кабель ишлаб чиқарилади.

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳар бир цех ва бўлинмалари янада сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ва бу маҳсулотлар харидорларга мос бўлиши йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда. Бунда 2-бичиш цехи ишчиларининг ҳам катта ҳиссалари бор.

СУРАТЛАРДА: (чапда) Роза Хакимуллина ва 2-бичиш цехининг ишчиси Эркин Соибов.

Андрей Пишненко суратлари.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Республикамизда пахта терими оммавий бошланиб кетди. «Оқ олтин» ҳосилини йиғиштириб олишда Хоразм вилояти деҳқонлари карвонбошилик қилмоқдалар. Ўтган куни республикада йиллик режанинг 0,96 фоизи миқдорида пахта йиғиштириб олинди.

● Қамаши туманида бир йўла 9 та янги мактаб қуриб битказилди. Уларда 6 минг нафардан кўпроқ ўқувчи таҳсил оляпти.

ҲАМДЎСТЛИКДА

● Кеча Россия Президенти Борис Ельцин ўз Фармони билан Россия халқ депутатлари съезди ва ҳозирги Олий Кенгаш ваколатларини тўхтатди. У телевидение орқали Россия фуқароларига мурожаатида 1993 йил 11-12 декабрь кунлари янги қонун чиқарувчи ҳоқимият — Федерал кенгашга сайлов ўтказилишини айтди.

● Россия ҳукумати, шу жумладан мудофаа, давлат хавфсизлиги, ички ишлар вазирликлари Россия Президенти Борис Ельциннинг кечаги қарорини қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

● АҚШ Президенти Билл Клинтон Борис Ельцин билан телефон орқали суҳбатлашгандан сўнг Россия Президентининг қарорини қўллаб-қувватлаши ҳақида ёзма баёнот берди.

● Буюк Британия ташқи ишлар вазирлиги Президент Борис Ельциннинг қарорини маъқуллади.

● Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Борис Ельциннинг қарорини қўллаб-қувватлашини айтди. У бугун Москвага келади.

● Беларусь Олий Кенгашининг раиси Станислав Шушкевич Борис Ельциннинг қарорини маъқуллашини айтди.

● 21 сентябрдан 22 сентябрга ўтар кечаси бўлиб ўтган Россия Олий Кенгашининг фавқулодда сессияси Борис Ельциннинг Президентлик ваколати тўхтатилганлиги ҳақида қарор қабул қилди. Олий Кенгаш Россия Президенти вазифасини бажаришни вице-президент Александр Руцкой зиммасига юклади.

● Россия Конституциявий суди Президент Борис Ельциннинг Россия халқ депутатлари съезди ва ҳозирги Олий Кенгаш ваколатини тўхтатиш ҳақидаги Фармони Конституцияга зид эканлиги ҳақида қарор қабул қилди.

● Россия Бош вазири Виктор Черномирдин Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви аввал режаланганидек Москвада 24-25 сентябрь кунлари ўтказилишини айтди.

● Кеча Украина Олий Кенгаши Бош вазир Леонид Кучманинг истеъфосини қабул қилди. Украина Президенти Леонид Кравчук ҳукуматга бошчилик қилиш ва янги Вазирлар маҳкамасини тузишга розилик берди.

● Кеча Сухуми яқинидаги денгизга ўққа тутилган ТУ—134 самолёти қулаб тушди. Дастлабки маълумотларга қараганда ундаги 6 нафар экипаж аъзоси ва 21 нафар йўловчи ҳалок бўлган. Сухумининг ўзида эса абхаз-грузин ҳарбий бўлинмалари ўртасида қонли жанглар давом этяпти.

● АҚШ 1 долларининг қиймати яна 7 рублга ошиб, кечаги савдода 1036 рублга етди.

ХОРИЖДА

● Бугун Анқарадаги «Буюк театр» санъат саройида Ўзбекистоннинг Туркиядаги маданият кунлари тантанали очилади.

● АҚШ конгрессининг сенати Президент Билл Клинтоннинг 130 та ҳарбий базани бекитиш ва Америка ҳудудидаги яна 41 та ҳарбий иншоотлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш тўғрисидаги режасини маъқуллади. Бу ҳисобга яқин беш йил ичида 4 миллиард долларни тежаш мўлжалланмоқда.

● Жаҳон банки Қозоғистонга иқтисодиётни ислоҳ қилиш дастурини амалга ошириш учун 180 миллион доллар миқдорида қарз берди.

КЎЗГУ турмушда муҳим ўрин тутади. Лекин ҳозирги бозор шароитида шаҳримиз дўконларида ҳамма учун зарур бўлган ана шу кўзгу кам учрамоқда, борлари ҳам қиммат. Нега шундай? Фикримизни ойдинлаштириш мақсадида республикамизда ягона ҳисобланган Тошкент ижара пудратидаги ойна-мебель корхонасига йўл олдик.

Контейнерлардан туширилаётган шиша-ойналар (булар ишлаб чиқаришда хом ашё саналади) қуёшдан ялтираб, кўзни қамаштиради.. Улар тезда дастгоҳ олдига олиб борилиб, турли ҳажмларда кесилиб ишлаб чиқаришга тақдим этилмоқда.

Иш жараёнини кузатар эканмиз, тайёр бўлган кўзгуларни яна бир бор назоратдан ўтказиб, синчиклаб текшираётган бригада бошлиғи Насиба Мамараҳимовани суҳбатга тортдик.

— Янги ўрнатилган 5 дона вакуум — қозон ишимизнинг ривожига ривож қўшмоқда, — дейди у. — Битта бригадада тўрт киши ишлаймиз. Цехимиз бўйича эса 50 нафар ишчи бор. Ишимиз икки сменада олиб борилади. Бир сменада ўрта ҳисобда 350—355 квадрат метр тайёр кўзгу ишлаб чиқарамиз. Корхонамизда ишлаш учун барча шарт-шароит яратилган. Ижтимоий ҳимоя борасида маошга қўшимча овқат ва йўл ҳақи учун 6 минг сўм миқдорида пул бериб туришибди. Маошимизнинг ўзи эса ўртача 50 минг сўмдан ошмоқда. Бундан ташқари тиббий назоратдан ўтказиш, қўшимча нина билан даволаш, уқалаш ва бошқа шунга ўхшаш муолажалар бепул ташкил қилинган. Бундан барчамиз мамнунмиз.

Корхонада 200 га яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Улар орасида ўз жамоасини қадрдон деб билган фахрийлар ҳали ҳам меҳнат шижоатида.

— Ўн етти йилдан буён шу корхонада меҳнат қилиб келяпман. Ёшим 55 га тўлганлиги туфайли шу йилнинг бошида дугонам Ашира Ўтинбоева билан меҳнат фахрийсига айландик. Лекин ҳали ишдан кўнглимизни узмаганлигимиз ва шу корхонага содиқлигимизни тўғри тушуниб етган раҳбарларимиз қурбимиз етгунга қадар ишимизни давом эттиришимизга рухсат беришди, — дейди нафақахўр Нортожи Икромова.

Корхона ижара пудрати асосида иш юрита бошлагандан буён анча ютуқларга эришмоқда, деб юқорида таъкидлаган эдик. Ана шу ютуқларнинг бири — эркинлик туфайли қўлга киритилмоқда. Содда қилиб айтганимизда энг аввало корхона учун зарур бўлган техника, хом ашё ва бошқа юмушларни жамғарилган маблағ ҳисобидан сотиб олиш ҳуқуқига эга. Аввалари корхона учун бирор техника зарур бўлиб қолса, албатта қайсидир автокорхонага мурожаат қилиб, ундан машина ёки шунга ўхшаш бирор техника олинарди ва мақсад учун фойдаланиларди. Ҳозирчи? Ундай эмас, корхонанинг махсус хизмат машинаси бор. Мана шу машина туфайли кези келганда 30—40 минг сўм миқдоридаги пул фойдага қолмоқда.

Жамоанинг фаол меҳнат қилаётганлиги туфайли биргина шу корхонанинг ўзи республикамиздаги мавжуд 22 та мебель корхоналарини кўзгу билан таъминламоқда. Август ойидан то шу кунга қадар 21 минг квадрат метр тайёр кўзгу ишлаб чиқарилди. Шундан 4 минг квадрат метри буюртмалар учун бўлса, 17 минг квадрат метри корхоналар ҳисобига жўнатилди. Аммо мустақил ҳамдўстлик давлатлари билан олиб борилаётган алоқа ва яна пул муаммоси жуда қийинчиликларни туғдирмоқда. Лекин шунга қарамай корхона Бошқирдистоннинг Салават, қуйи Новгороднинг Бор ҳамда Саратов шаҳарларидаги таъминотчилар билан алоқа қилиб турибди. Анча кечикиб келаётган хом ашёлар, айни кунда ўз манзилига келтирилди. Шунинг учун ҳам ишчи-хизматчилар корхона маҳсулотига талаб шундай кучая берса ҳар ойда 30 минг квадрат метр шиша ойна ва 25 минг квадрат метр тайёр кўзгулар ишлаб чиқариш қувватига эгадирлар. Ҳаттоки бу кўрсаткични кўпайтириш имкони ҳам мавжуд.

Гулзода МАМБЕТОВА.

** Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт*

ИЖАРА ПУДРАТИ САМАРАСИ

— Бундан бир-икки йил аввал жуда кўп ишларимиз қўлда амалга ошириларди, — дейди ҳамроҳимиз техник-назорат бўлими бошлиғи Маъмура Розиқова. — Эндиликда хом ашёлар жамланган контейнерлар то ишчи дастгоҳи олдигача элтиб берилади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришмоқдамиз.

Биз тайёрлов цехида аниқ ўлчаниб бўлган шиша-ойналарнинг давомий иши қандай бўлишини кўздан кечира бошладик. Иш жараёнини худди занжирга қиёслаш мумкин эди. Сабаби қирқилган шиша-ойналарнинг қирралари махсус дастгоҳлар ёрдамида текисланиб, сўнгра тухумсимон шаклидаги вакуум қозонларга жойланар экан. Албатта ҳар бири алоҳида-алоҳида. Бу қозонлар ичига шиша-ойна билан бирга алюминий металини майдалаб қирқиб чекка қисмига қадаб чиқилади. Вакуум қозоннинг эшиги ёпилгач унинг ҳарорати жуда юқори босимда бўлганлиги туфайли алюминий эриб шиша-ойнанинг орқа томонига ёпишиб чиқаркан. Қарабсизки 20—25 дақиқа ичида барчамиз учун зарур бўлган кўзгу пайдо бўлади.

ШИФОХОНАДА ЖАМҒАРМА БЎЛИМИ

БУЮК Британия болалар жамғармаси жаҳондаги энг нуфузли ҳайрия жамғармаларидан бири саналади. Ушбу жамғарма мамлакатда болалар саломатлигини янада мустаҳкамлаш йўлида ҳам жонбозлик намуналарини кўрсатиб келмоқда.

Айни бир вақтда жамғарма вакиллари дунёдаги бошқа мамлакатларда ижодий сафарда бўлиб, соғлом авлод камолоти, шифохоналарда уюштирилаётган илғор муолажалар билан ҳам яқиндан қизиқмоқдалар. Айниқса, руҳий-асаб хасталикларига чалинган ёш беморларни даволашга тиббий ёрдам кўрсатиш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Бундай эзгу ният жамғармани Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли республика руҳий-асаб хасталиклари касалхонаси билан яқин мулоқотда бўлишга ундади. Жамғарма раҳбарияти вакиллари яқинда мустақил республикамизга ташриф буюришганда мазкур шифохона фаолияти билан ҳам атрофлича танишдилар.

Суҳбат чоғида улар бу ерда олиб борилаётган муолажалар юксак талаблар даражасида эканлигини мамнуният билан тилга олдилар.

Яқинда Буюк Британиядан шифохона номига мактуб олинди. Унда жамғарма аъзолари ўзбек диёридаги сафар чоғида яхши таассуротлар олганликлари мамнуният билан ёзилганди.

Шунингдек, мактубда республика болалар касалхонаси негизида Буюк Британия болалар жамғармасининг филиали ташкил этиш истаги ҳам билдирилди. Мазкур филиал ўзига хос ҳомий ташкилот сифатида фаолият кўрсатиши мумкин.

Алишер АЗИМОВ.

** Туман ҳокимликларида*

КУН ТАРТИБИДА— ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

ШАҲРИМИЗНИНГ Мирзо Улуғбек туманида яхши бир анъана йўлга қўйилган. Яъни мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига молик муҳим бир воқеа юз бердими, дарҳол у тумандаги корхоналар, ташкилотлар, олий ўқув юртлари, маҳаллаларда муҳокама этилиб туманнинг барча аҳолиси онгига етказилади. Туман ҳудудининг 9 та ўрамга бўлинганлиги айниқса бунда катта қулайликлар туғдирмоқда. Бу айниқса «Наврўз» байрами, мустақиллигимизнинг икки йиллиги тантаналарини нишонлашда ҳам жуда қўл келди.

Ўтган куни тумандаги корхона, ташкилот раҳбарлари, олий ўқув юртлари, Фанлар академияси тармоқ институтларининг вакиллари, ХДП туман кенгаши раҳбарлари, маҳалла фаоллари Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ва ХДП туман кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг иқтисод ҳамда фалсафа ва ҳуқуқ институтлари томонидан ўтказилаётган И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китоби ва Олий Кенгашнинг ўн учинчи сессияси якунларига бағишланган илмий-амалий анжуманга йиғилдилар.

Анжуманни туман ҳокими Шавкат Мирзиёев кириш сўзи билан очгач, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор, иқтисод институтининг директори Омон Ҳикматов «Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларига ўтишнинг йўли» мавзуида маъруза қилди.

— Ҳозир республикамиз бутунлай янги шарт-шароитлар — бозор муносабатларига ўтиш бўсағасида турибди, — деди у. — Бунинг учун эса маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиқиб иш тутиш керак. Кейинги пайтларда халқимиз орасида «Биз бозор муносабатларига қай шаклда ўтишимиз керак?» қабилидаги савол пайдо бўлди ва уни илмий асослаб беришга эҳтиёж туғилди. Юртбошимизнинг янги «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисолаларда бу масала атрофлича таҳлил этилган. Умуман, ривожланишнинг ҳар бир миллатга тааллуқли икки йўли бор. Бу маърифий-индустриал ва савдогарлик йўлларидир. Мазкур рисолада

** Қурилиш майдонларида*

ЙИЛИГА ЎТТИЗ МИЛЛИОНТА ҒИШТ

ИЛГАРИЛАРИ Тошкент давлат ҳиссадорлик қурилиш корпорациясига қарашли трест ва уйсозлик комбинатлари пишган ғиштни Янгийўл, Яланғоч ва бошқа ғишт заводларидан олиб келишарди. Бу эса ўз навбатида бинокорларга қўшимча муаммолар туғдирарди. Қурувчилар биринчидан, бу ғиштларни ўз вақтида ололмасди. Иккинчидан, юқоридаги ғишт корхоналарининг бозори чаққон бўлгани учун бинокорларга хоҳлаган маҳсулотини, яъни сифатсиз ғиштларни бериб юбораверар эди. Қурувчилар эса бу ғиштларни олишга мажбур эди. Чунки бу маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган бошқа рақобатдош корхоналар йўқ эди. Натижада уй-жой ва бошқа бино қурилишларини фойдаланишга топшириш кечикарди ҳамда уларнинг сифатига путур етарди.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда корпорация Ўзбекистон Республикаси давлат қурилиш материаллари ишлаб чиқариш концерни билан ҳамкорликда ғишт заводи қуришга қарор қилди. Бунга шаҳримизнинг Сергели тумани танлаб олинди. Бунинг икки сабаби бор. Биринчидан, корпорация ҳозирги кунда асосий қурилишларни Сергели даҳаларида олиб бормоқда. Иккинчидан, тумандаги кўплаб аҳоли пойтахтимиз марказларига келиб ишлашади. Шунинг учун уларни ўзларининг турар жойи яқинида иш билан таъминлашда ҳам бу корхона қурилиши катта аҳамиятга эга.

— Айни пайтда, — дейди корпорация раиси ёрдамчиси Жаҳонгир Назаров, — бу қурилиш нуқтасида корпорациямизга қарашли «Сифат» тажриба-қурилиш ишлаб чиқариш бирлашмаси бунёдкорлари тер тўкишмоқда. Улар ҳозир бинода қурилиш-тиклаш ишларини тугатиб пардозлаш ишларини бошлаб юборишди. Қурувчилар ғишт ишлаб чиқарадиган асосий бинода қурилиш ишларини тугатиб, маъмурий ҳамда маданий-маиший биноларида қурилиш-тиклаш ишларини ниҳоясига етказай деб қўйди. Ҳозирги кунда бу қўшимча биноларда ҳам пардозлаш ишлари бошланиб кетди. Бу ишни бирлашмага қарашли 44-қурилиш бошқармаси пардозловчилари амалга оширишмоқда. Шунинг билан бир қаторда битган биноларни ичига ғишт ишлаб чиқаришга мосланган замонавий дастгоҳ ва ускуналар ҳам ўрнатилмоқда. Бинокорлар корхонани шу йилнинг тўртинчи чорагида фойдаланишга топшириш ниятида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси қарори билан яқинда корпорация қошида Давлат ҳиссадорлик қурилиш бирлашмаси ташкил этилган эди. Бирлашма келажакда пишган ғиштдан кам қаватли уй-жой иморатлари, элчихона ва қўшма корхоналар учун бинолар қуриб бериш учун мўлжалланган. Юқоридаги завод ишга тушгандан кейин ана шу бирлашма учун ҳам сифатли пишган ғишт етказиб беради.

Корхона йилига 30 миллион пишган ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Ғулом ЮСУПОВ.



Айни пайтда Урта Осиё кабель ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулоти шуҳрати бутун жаҳонга тарқалган. Бугунги кунда корхона халқ истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш билан бирга аҳолига пулли хизмат кўрсатишни ҳам йўлга қўйишди.

СУРАТЛАРДА: назоратчи Марҳабо Пирматова навбатдаги маҳсулотни кўздан кечирмоқда; дурадгор Раҳматилла Иноғомов аҳолидан тушган буюртмани бажариш билан банд.

Андрей Пишненко суратлари.

Кўз очиб юмгунча ёз ўтиб куз кирди. Бўсағада эса ҳар томонлама тайёргарликни ёқтирадиган қиш турибди. Ҳозир жойларда унга ҳозирлик ишлари бормоқда.

Бутун йил давомида ҳамшаҳарларимизни мева ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш ишини ўз зиммасига олган Тошкент шаҳар мева-сабзавот ишлаб чиқариш саноати бирлашмаси қишга ҳозирликни икки босқичда олиб борди. Агар биринчи босқичда корхона ишчи ва хизматчилари омборхоналарни мавсумга шайлаб, совутгич ва юк ортиб-туширувчи техникаларни тўла таъмирдан чиқаришса, иккинчи босқичда эса улар олдида мева ва сабзавотларни қиш давомида ҳамшаҳарларимизга етарли қилиб омборхоналарга жойлаш вазифаси туради.

Куни-кеча биз ушбу бирлашмада бўлиб, биринчи навбат ишлари қандай якунланиб, иккинчисига қай даражада тайёргарлик кўрилаётгани билан қизиқдик.

** Қиш тайёргарликни ёқтиради*

ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИ ТЎКИНЧИЛИГИ ЙЎЛИДА

БИРЛАШМА ихтиёрида бешта йирик комбинат бор. Ҳозирда уларнинг барчасида таъмирлаш ишлари тўла тугалланган, қишга шай қилиб қўйилган.

— Мева ва сабзавотларни қиш мавсумида ҳам бузмай сақлаб, меҳнаткашларга тортиқ этиш аввало омборхоналаримизни мавсумга сифатли қилиб шайлашимизга боғлиқ, — дейди бирлашма бошлиғи Салоҳиддин Шохобов бизга. — Вақт кутиб турмайди. Ишни конвейер усулида олиб борамиз. Омборхоналаримиз маҳсулотлардан бўшади дегунча уларда бир вақтнинг ўзида келгуси мавсумга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилади. Бу йил ҳам шу усулни қўлладик. Яхшиси комбинатларимизни бориб кўриб ишимизга холисанилло баҳо берганларингиз маъқул.

Бизга ҳамроҳлик қилган бошлиқ ўринбосари Йўлдошали Абдусатторов йўл-йўлакай бу йил бирлашма олдидаги турган вазифаларни тушунтириб борди.

Бирлашма қишга 100 тоннадан ошиқ картошка ғамлаши керак. Ҳозиргача Польша билан 87,5 минг тонна, Қозоғистон билан 35 минг тонна, Россия билан эса 55 минг тонна картошка учун шартнома тузилган. Бундан ташқари қишга 92 минг тонна сабзавот (шундан 44 минг тоннаси пиёз, 11 минг тонна карам, 8 минг тонна помидор, 5 минг тонна ош лавлаги, 14 минг тонна сабзи) жамғарилиши лозим. Яна режадан 8 минг 500 тонна мева ва 3,5 минг тонна узум тайёрлаш ҳам ўрин олган.

Бирлашманинг Кўкча Оқтепасига жойлашган 1-комбинатида 200 га яқин ишчи ва хизматчи меҳнат қилади. Бу ерда учта йирик омборхона бўлиб улар асосан ёз ойларидаёқ тўла таъмирдан чиқариб бўлинган. Айниқса бу мавсум комбинат учун техника янгилиги йили бўлди. Чунки корхона бир йўла 16 та янги компрессор сотиб олди. Ҳозирда улардан иккитасида пайвандлаш ишлари тугалланди. Уччала омборхонага янги совутгичлар ўрнатилди.

— Омборхоналардаги иссиқлик 1 ва 2 даражани ташкил этиши керак. Аммо совутгичларимиз эскириб қолгани туфайли ўтган йили улар меъёрий иссиқликни таъминлай олмадилар. Шунинг учун совутгичларни янгиси билан алмаштиришга мажбур бўлдик, — дейди комбинат рахбари И. Зайниддинов. — Бундан ташқари 4 та янги насос, 4 та электр кўтаргич сотиб олдик.

Мавсумга контейнерлар ҳам етарли жамғариб қўйилди. Уларнинг умумий сони 7 мингтадан ортади. Картошка ва пиёзни сараловчи техникалар ҳам таъмирдан чиқарилиб, мавсумга тахт қилиб қўйилган. Битта «КСП—15» машинасининг бир соатлик иши билан қизиқдик. У шу муддатга 15 тонна картошкани бирма-бир «қўлдан» ўтказар экан. Бу демак мавсумда мавжуд учта шундай қурилма билан кунига 50 тоннага яқин картошкани тозалаш мумкин, деган сўз.

— Лекин муаммоларимиз ҳам йўқ эмас, — дейди суҳбатга қўшилиб корхона бош муҳандиси Жалил Султонов. — Ҳамма комбинатлар учун тегишли бўлган бир камчилик — бу юк ортиб-туширувчи машиналар учун эҳтиёт қисмларнинг йўқлигидадир. Бу биз учун энг зарур техника ҳисобланади. Чунки усиз қўл кучи билан катта ҳажмдаги юкларни тушириш ва уларни омборхоналарга текис қилиб жойлаш мумкин эмас. Шуни назарда тутиб, елиб-югуриб бўлсада улар учун зарур бўлган қисмларни топиб келдик. Бу албатта ортиқча маблағ ва куч эвазига бўлди.

Комбинат қишга маҳсулот жамғариш ишларини ҳам бошлаб юборган. Ҳозиргача 500 тонна пиёз саралаб қўйилди. Шартнома бўйича Россиядан 600 тонна картошка келтирилди. Аммо унинг сифати яхши бўлмаганлиги учун бу маҳсулот ҳозирнинг ўзидаёқ дўкон ва корхоналарга сотувга чиқарилмоқда.

Мутахассисларнинг айтишига қараганда бу йил олма жамғариш иши ҳам осон кўчмас экан. Шуни назарда тутиб комбинат маъмурияти бу юмушга эрта киришди. Улар режадаги олмани ташиб келтириш учун турли республика ва вилоятлар билан шартнома тузишга ҳаракат қилишяпти. Шундай қизғин меҳнат самараси туфайли қўшни Қозоғистон Республикаси билан минг тонна олма олиш учун шартнома имзоланди.

Тошкент аэропорти яқинидаги 2-комбинат бирлашманинг энг катта омборхоналаридан бири саналади. Унинг сиғими 35 минг тонна маҳсулот сақлашга мўлжалланган. Албатта бу ҳисобга корхонанинг тузлаш цехи ва маҳсулотни қайта ишлаш цехлари кирмайди. Албатта бундай бинони тўла ҳажмда қишга тайёрлаш, мавжуд хоналарни қонун-қоида асосида таъмирдан чиқариш озмунча меҳнат талаб қилмайди. Шуни назарда тутиб, бу ерда тайёргарлик ишлари апрель ойининг охирлариданоқ бошлаб юборилган эди. 25 август куни эса таъмирчилар ўз юмушларини ниҳоясига етказишди. Барча мева сақлаш хоналари ва бўлинмалар тўла ва сифатли қўлдан чиқарилди. Ҳозирда бу ерда маҳсулотларни қишга жамғариш ишлари бормоқда.

Айниқса, бугунги кунда корхонанинг тузлаш ва маҳсулотларни қайта ишлаш цехларида одам гавжум. Тузловчилар кунлик режани ортиғи билан адо этишмоқда.

— Бу йил бодринг танқисроқ. Ҳозирги имкониятдан фойдаланиб, уни етарли миқдорда тузлаб олмасак, белгиланган маррага эришолмай қолишимиз мумкин, — дейди цех бошлиғи Абдурашид Хўжаев. — Шу кунгача 8 тонна бодринг, 10 тонна помидорни идишларга тузлаб олишга улгурдик.

Цехга ҳар бири 8 тонна маҳсулот сиғадиган 24 та тузлаш идиши жойлаштирилган. Уларни тез кунларда тўлдириб олиш учун 10 кишидан иборат бригада «от ли қамчилаяпти».

Олдинлари шундай катта корхонада чиқинди маҳсулотларни қандай йўқотиш масаласи муаммо бўлиб турарди. Бунинг чораси топилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Эндиликда комбинатда иш бошлаган қайта ишлаш цехи ҳар қандай чиқиндини янги тайёр маҳсулотга айлантириб бериш қувватига эга. Чиқинди олмалардан тайёрланган иккиламчи маҳсулот шаҳримиздаги кондитер фабрикалари томонидан қизғин харид қилинмоқда. Помидордан тайёрланган томат ва соклар эса савдо нуқталарида қўлма-қўл бўлиб турибди.

Бу йил комбинатда иккита компрессор янгиланди. Қолганлари таъмирдан чиқарилди. 44 та юк ортиб-туширувчи техника мавсумга шайланмоқда. Лекин уларни аккумулятор билан таъминлаш масаласи муаммо бўлиб турибди.

— Ўтган йили юкларимизни манзилга элтиб берувчи машиналар масаласида ҳам анча қийналган эдик, — дейди комбинат директори Латиф Олимжонов. — Бу йил ушбу масалани ҳам олдиндан ҳал этиб қўйдик. «Ўзавтотрансаро» билан мавсум давомида етарли машиналар билан таъминлаш хусусида келишиб олдик.

— Режа бўйича пиёз ва картошка жамғариш қачон бошланиб, қачон тугалланиши керак, — сўраймиз Латиф Олимжоновдан.

— Шу ойдан бошлаб октябрнинг охиригача тугаллашимиз керак бу ишни. Биз эса пиёз жамғаришга эртароқ киришдик.

3-комбинат томон кетаётганимизда Йўлдошали Абдусатторов бизга: «Агар хоҳишларингиз бўлса бирлашмамизга қарашли Қўйлиқ деҳқончилик фирмасига ҳам олиб кираман. У ердаги ишларимиз билан ҳам танишасизлар», деб қолди. Очиғи бирлашманинг ўз деҳқончилик хўжалиги борлигини биринчи марта эшитганимиз учунми бу таклиф бизни қизиқтириб қолди.

Меҳриддин Аҳмедов бош бўлган бу фирмада 600 киши меҳнат қиларкан. Улар ўз олдиларига бутун қиш давомида ҳамшаҳарларимизни янги узилган помидор, бодринг ва кўкат маҳсулотлари билан таъминлашни вазифа қилиб олишган. Шу кунларда хўжаликнинг иссиқлик билан таъминланган 24 гектардан иборат майдонида бодринг ва помидор гуллаб турибди. Яна бир ойлардан кейин улар қийғос ҳосилга киради.

— Яқинда Голландия сафаридан қайтиб келдим, — дейди бизга М. Аҳмедов. — У ерга тажриба алмашиш учун борган эдим. Маҳсулотларимизга Голландиянинг «Бакер брозерс» фирмаси раҳбарлари қизиқиб қолишди. Улар биз билан ҳамкорлик қилиш ниятлари борлигини айтишди. Дастлабки тажриба сифатида у ердан олиб келган уруғни уч гектар майдонга сепдик. Қанақа ҳосил беришини синаб кўрмоқчимиз.

— Қишга тайёргарлик юзасидан ҳеч қанақа муаммолар йўқми, — сўраймиз Меҳриддиндан.

— Биз ҳамиша қишга шаймиз. Чунки маҳсулотларимиз ойнаванд иссиқлик тагида етиштирилади, — дейди у кулиб. — Ҳадемай янги узилган помидор ва бодрингларимизни ҳамшаҳарларимизнинг қишки дастурхонига тортиқ этамиз.

Ниҳоят бирлашманинг Янгиободдаги 3-комбинатига етиб келдик.

— Омборхоналарни айлантирайми, — сўрайди директор Обиджон Аминов. — Ёғ тушса ялагудек қилиб қишга шайлаб қўйганмиз.

Очиғи бошқа комбинатлардаги омборхоналар тайёргарлигидан қаноат ҳосил қилганимиз учун директорнинг гапига ишонгимиз келди.

— Таъмирлаш ишлари қачон тугалланди, — сўраймиз ундан.

— Август ойининг охирларида.

— Ҳозир қишга қандай маҳсулотлар жамғарилмоқда?

— Олмани етарли қилиб ғамлаб олишга асосий эътиборни қаратганмиз. Сабаби бу йил боғларимизда олма танқис.

— Маҳсулотнинг шу туридан қанча жамғарилди?

— Бугунги ҳисобимиз бўйича 60 тоннага етди. Уни асосан Паркент зонасидан келтиряпмиз. Эрта-индин омборхонамизга Наманган ва Самарқанд вилоятларидан ҳам олмалар келиб туша бошлайди. Шартномамиз бор. Лекин нархи бироз қимматроқ. Килоси 150—180 сўмни ташкил этмоқда.

Пиёз жамғариш ҳам яхши борянти. Ҳозиргача унинг миқдори 150 тоннага етди. Бу маҳсулот Ўрта Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ туманлари хўжаликларидан келтирилмоқда. Бу йил 2 мингта янги контейнер олдик. Омборхоналаримиз совутгичлар билан тўла жиҳозланди. Иккита компрессор янгиси билан алмаштирилди.

Олма жойланаётган омборхонага кирдик. Осмон баравар қилиб яшиклар тахлаб қўйилган катта хона саҳни ҳақиқатан ҳам ёғ тушса ялагудек. Бирор жойда ортиқча нарса кўзга ташланмайди. Тўла таъмирдан чиққан бинода совутгичлар нормал ишлаб турибди.

— Кўпи кетиб ози қолди. Яна орадан маълум муддат ўтгандан кейин келсаларингиз мана бу хоналар ҳам маҳсулотларга лиммолим тўлган бўлади. Ана ўшандагина хизматчиларимиз бироз эркин нафас оладиган вақт келади. Ҳозир эса ишимиз тиғиз. Вақт кутиб турмайди, — дейди сўзининг охирида Йўлдошали Абдусатторов.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

СУРАТЛАРДА: Алфия Юнусова 2-комбинатнинг энг яхши тузловчиларидан бири; 1-комбинатнинг ишчилари Салима Исамуҳамедова ва Муборак Мирисаевалар қишки пиёзни саралашмоқда; «Бу йил ҳосилимиз мўл бўлади», дейишади Қўйлиқ деҳқончилик фирмасининг мирзакорлари Сарвар Абдувалиева ва Маҳсума Хўжаевалар.

Холмат Мирзакаримов суратлари.

** Фан уфқлари*

КЕЛАЖАККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

ФТОРПОЛИМЕРЛАР ҳозирги кунда халқ хўжалигининг кўп тармоқларида кенг қўламда ишлатилиб келинмоқда. Улар асосида олинган резиналар юқори босимга, температура ва муҳитга чидамли бўлиб, маҳкамловчи мосламалар сифатида саноат соҳасига хизмат қилмоқда. Полифторакрилатларнинг тиниқлиги ва нурни яхши ўтказиши оптик материаллар, контакт линзалар тайёрлашда қўл келмоқда. Рентген ва электрон нурларини ютиш коэффициенти юқори бўлиши эса микроэлектроникада ишлатилишига имкон яратди.

Пахта, жун, шойи, чарм каби табиий юқори молекуляр бирикмаларни фторполимерлар билан модификация қилиб сув, мой, чанг ютмас материаллар олинади. Полимерларни қайта ишлаш жараёнида фторполимерлардан оз миқдорда қўшиш орқали сифатли ва яхши хоссаларга эга бўлган материаллар юзага келади. Шу билан маҳсулотнинг миқдори ортади ва энергия тежалади.

Фторполимерларни лакларга, матбаа бўёқларга, мойларга қўшиш орқали уларни трибологик хоссалари яхшиланади, ўтга чидамлилиги ошади.

Лаборатория ишларида табиий ва синтетик полимерларни фторполимерлар билан модификациялаш натижасида иссиқликка, ёнғинга чидамли, гидрофоб материаллар олишга ва фторполимерлар асосида композицион полимер материалларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Фторполимерларнинг стабилизация соҳасида изланиш ҳозирги долзарб масалалардан биридир. Лабораторияда поливинилфторид ва халқ хўжалигида ишлатиладиган фторкаучуклари учун самарали термостабилизаторлар танланди ва улар иштирокида юқори температурага чидамли резиналар олинди.

Кўриниб турибдики, фторполимерларнинг келажаги порлоқ. Улар республикамизда илк бор қўлланилмоқда.

Маузер АСОМОВ,
Тошкент Давлат университети полимерлар кимёси муаммолари лабораториясининг мудири.

Ҳикматилла ҒУЛОМОВ,
кимё факультетининг 5-курс талабаси.

** Шахсий фикр*

НОННИ МЕҲНАТИНИ ЭЪЗОЗЛАЙЛИК

ТОШКЕНТНИ дўстлик шаҳри, дейиш билан бирга нон шаҳри ҳам дейишади. Албатта, ўнлаб турдаги тандир нонларни бозорларимизда кўриб ҳақиқатан ҳам шундай эканлигига амин бўласан, киши. Аммо, бугунги кунда бозордан ҳар куни нон харид қилишни ҳар кимнинг ҳам чўнтаги кўтаравермайди.

Яқинда Собир Раҳимов тумани ошхоналар трестига қарашли 13-ошхона қошидаги новвойхонада Ҳамдам Норхўжаевнинг чаққонлик билан тандирдан нон узиб олаётгани беихтиёр бизнинг диққатимизни ўзига тортди. Қуёш тафти билан тандирдаги оловнинг иссиғида терлаб нон ёпаётган Ҳамдам аканинг қўли бироз ишдан бўшагандан кейин у кишини суҳбатга тортдик.

— Кечирасиз, новвойхонада фақат ўзингиз ишлайсизми?

— Ҳа, кунига ўзим 100 килограмм ундан нон ёпаман. Ҳамир қоришдан тортиб барча ишларни ўзим бажараман. Маошим эса 10 минг сўмга яқин.

— Нонинг нархи қанча?

— 33 сўм.

Ҳақиқатан ҳам Ҳамдам ака ёпаётган нонлар 33 сўмдан сотилмоқда. Тумандаги Абдулла Набиев, Чимбой маҳаллалари аҳли новвойхонада тандир нони ёпилаётганидан беҳад хурсанд. Фурсатдан фойдаланиб шу ердан нон харид қилаётганлардан айримларини суҳбатга тортдик.

Пўлат Усмонов, тумандаги Тошмуҳамедов кўчасида истиқомат қилади: — Ҳар доим йўл-йўлакай шу новвойхонадан нон харид қиладай, — деб суҳбатимизга қўшилди Зоология институти лаборанти Умида Тўлаганова нон харид қила туриб.

Шундан сўнг, Ҳамдам акага «Новвойхона замонавий типда қурилган экан, лекин ҳамма ерда ҳам новвойхоналарнинг қулай ва шинам бўлишига кўпда ҳам эътибор берилавермайди», деб унинг фикрини билишга қизиқдик.

— Дарҳақиқат шундай. Бу новвойхона замонавий бўлгани билан томи жуда паст, шунинг учун бутун эшик ва деразаларни очиб қўймасак бу ердаги ҳарорат яна ҳам баланд бўлади, — жавоб берди у. Умуман новвойлар маслаҳати асосида қурилган новвойхоналарни кўпайтириш кераклиги тўғри фикр.

Зеро, бу борада Ҳамдам ака ҳақ. Шаҳримизда кўпайиб кетган тижорат-воситачи дўконларини ҳар қадамда учратасиз. Аммо тандир нон ёпадиган новвойхонани ҳа деганда топиш қийин. Шунингдек, новвойхоналарда новвойлар хизматини ҳам қадрлаш зарур. Ҳамдам ака тумандаги 12-ошхона қошидаги новвой Ҳусан Иброҳимовнинг шогирди экан. Ҳусан ака кейинги пайтда ёшлар новвойлик касбига унчалик ҳам қизиқмаётганини куюниб гапирди. Қолаверса, новвойлик ҳам катта санъат эканлиги, кейинги пайтда жиззали, пиёзли ва гўшт[illegible] нонларга халқимиз ўртасида талаб ортаётгани ҳақида тўлқинланиб гапирди.

Дарҳақиқат, дастурхонимиз кўрки, жамики таомлар, ноз-неъматлар султони нонни кўзимизга суртамиз. Бинобарин, новвойларга, новвойхоналарга кўпроқ эътиборни қаратмоқ зарур, деб ўйлаймиз.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

Қизғалдоқ — Саломатлик

● ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ УЧУН.
● ҲАМИША ХУШЁРЛИҚНИ ТАЛАБ ЭТАДИГАН ДАРД.
● САВОЛ СИЗДАН — ЖАВОБ БИЗДАН.

⊙ Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳозирги пайтдаги энг муҳим ва долзарб масалалардан биридир. Узбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги акушерлик ва гинекология институти бу борада талайгина хайрли ишларни амалга оширмоқда. Яқинда мухбиримиз шу институтда бўлиб «Оналар ва болалар саломатлиги» бўлимининг мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Муҳтарама Содиқова билан суҳбатлашди.

⊙

** Дилкаш суҳбатлар*

ЖОНГА МАЛҲАМ БЎЛАМИЗ

— Муҳтарама Шароповна, ўзингизга маълумки, сўнгги йилларда ҳукуматимиз оналар ва болаларнинг саломатлигини сақлашга муҳим эътиборини қаратди. Бунинг боисини нимада деб биласиз?

— Дарҳақиқат, ҳозирги пайтдаги энг муҳим масала она ва бола саломатлигидир. Чунки уларнинг ҳар иккаласи ҳам авлод давомчилари. Бизнинг олдимизда турган энг биринчи масала соғлом, баркамол авлод, фарзандни дунёга келтирадиган оналаримизнинг саломатлигини сақлаш. Хўш, ҳозир уларнинг соғлиғи қай аҳволда? Шу пайтгача туғиш ёшидаги аёлларнинг 90 фоизи соғлом эмаслиги ҳақида гапириб келинди Бу бор далил. Очиғини айтиш керак, бизда балоғатга етган қизлар соғлиғига етарли даражада эътибор бермайдилар. Натижада, турмушга чиққандан кейин мавжуд бўлган касаллик асоратлари қўзғалади. Илгари аёлларда кўп учрайдиган камқонликнинг ёнига ҳозирда жигар, буйрак, юрак касалликлари ҳам қўшилган.

— Бунинг асосий сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Сабаблари кўп. Юқорида айтганимдай қизлар турмушга чиқишдан олдин келиб ўз саломатликларини текширтириб, зарур бўлса даволанишмайди. Бунга андиша қилишади. Ўзингиз биласиз, бизда қиз бола касал бўлса ҳар ким турли хаёлларга боради. Шунинг учун касалликни даволамай турмушга чиқади. Бу бир сабаб бўлса, яна бир сабаб туғиш ёшидаги аёллар танасини дам олдирмайди. Ваҳоланки, соғлом бўлиш учун ва боланинг меъёрида ўсиши учун аёл киши уч йил дам олиши керак. Ахир дарахт ҳам бир йил мева бериб, кейинги йилда дам олади-ку. Ҳозирги пайтдаги болаларнинг орасидаги ёш 1—2 йилни ташкил қилади. Кетма-кет туғиш фақат онанинг соғлиғига эмас, шунингдек болага ҳам таъсир қилмасдан қолмайди. Онанинг сути камаяди. Бунинг устига сут суюқлашиб, бола керакли озуқани ололмайди.

Аёллар касалликка чалинишларининг яна бир сабаби ҳомилани сунъий равишда тўхтатиш, яъни аборт қилдиришдир. Болани олдириш қанчалик малакали мутахассислар томонидан амалга оширилиб, иш пухта қилинмасин, у аёл танасида барибир асорат қолдиради. Бу асоратлар ўз-ўзидан бола тушиши, аёлнинг ой-куни етмасдан туғиши ёки туғишнинг суст кетишига, шунингдек бефарзандликка олиб келади. Боласи тушган аёллар ҳам сақланишлари, ҳеч бўлмаганда бир йил дам олишлари керак. Бундан ташқари аёлларимиз вақтида турли дармондориларга бой озиқ-овқатларни емайдилар, оғир иш қиладилар. Буларнинг ҳаммаси турли касалликларни келтириб чиқаради.

— Бу борада сиз раҳбарлик қилаётган «Оналар ва болалар саломатлиги» бўлими қандай ишлар қилмоқда?

— Бизнинг бўлимда асосан тўққизта малакали шифокор ишлайди. Мурожаат қилган беморларни аввал тўлиқ тиббий назоратдан ўтказамиз. Юрак, буйрак, жигар, ички касалликлар мутахассисларининг тиббий хулосалари, ташхисларини билиб, кейин даволашга киришамиз . Даволаш билан бирга қизлар, келинлар, эркаклар ўртасида тушунтириш ишларини олиб борамиз. Бу иш яхши самара бермоқда. Масалан, ҳозир кўп қизларимиз турмушга чиқмасдан олдин келиб тиббий кўрикдан ўтиб даволаняптилар. Фарзандсиз аёллар эрлари билан мурожаат қиладилар. Ёки туғишдан сақланиш, танани дам олдириш учун ҳам бизга мурожаат қиладилар. Биз уларга керакли маслаҳатлар, зарур ёрдамимизни берамиз. Институтимиз, хусусан бизнинг бўлимимиз аёллар соғлиғини сақлашда хорижий давлатлар саломатлик марказлари билан ҳам алоқа ўрнатган. Турли фирмалар билан ҳамкорлик ўрнатилган. Масалан, Германиянинг «Ширснк», Голландиянинг «Арганом», Америка Қўшма Штатларининг «Аб-жон» фирмалари билан ўзаро алоқалар йўлга қўйилган. Улар бизга турли хил дори-дармонлар жўнатишади. Бизлар бу препаратларни текширишдан ўтказиб, республикамиз аёлларига берамиз.

— Чет давлатлар билан ҳамкорлик ҳақида гап кетди. Яқинда бир гуруҳ олимлар қаторида сиз ҳам Японияда бўлиб қайтдингиз. Бу сафардан кўзланган аниқ мақсад бормиди?

— Албатта. Ҳозирги пайтда Узбекистон Япония билан ҳар соҳада ўзаро алоқа қилмоқда. Шунингдек тиббиётда ҳам. Ўтган 1992 йилда институт шу ерда Япония тиббиёт олимлари билан ҳамкорликда «Оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш» мавзуида симпозиум ўтказиб, ўзаро тажриба алмашганди. Бу йил ана шундай анжуман Японияда бўлди. Мен ҳам соғлом авлодни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис сифатида иштирок этдим. Симпозиум икки ҳафта давом этди. Шу вақт мобайнида биз япон тиббиёт мутахассислари билан суҳбатлашдик, фикр алмашдик. Касалхона, поликлиникаларни бориб кўрдик. Операцияларда иштирок этдик.

— Сизнинг япон тиббий хизматидан олган таассуротингиз қандай?

— Японларда тиббий хизмат жуда яхши, намунали йўлга қўйилган. Даволаш муассасалари керакли асбоб-ускуналари билан таъминланган. Фақат у ерда ҳамма нарса қаторида тиббий хизмат ҳам пулли. Ижтимоий муаммолар турли суғурталар орқали ҳал қилинар экан. Аксарият аёлларда асосан 2—3 та бола. Менинг диққатимни ўзига тортган нарса шу бўлдики, уларда тиббий ускуналар, аппаратуралар жуда кўп. Японларнинг ҳам асосий мақсади соғлом авлодни сақлаб қолишдир.

— Урганган тажрибаларни ўзимизда тадбиқ қилиш самара берса керак.

— Ҳа, бундай тажриба алмашишлар бизга жуда қўл келади. Бошқа мамлакатлар тиббиётини ўрганиш орқали мавжуд касалликларнинг олдини олиш, уни умуман бартараф этишга ҳаракат қиляпмиз. Вақти келса, бошқа давлатлар бизнинг тажрибамизни ўрганиб ўзларида қўллояптилар. Хуллас, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш биргина бизнинг республикамизнинг эмас, балки бутун дунё тиббиётининг эзгу мақсадидир.

— Бундан кейинги режаларингиз ҳақида ҳам ўртоқлашсангиз.

— Режага келганда улар кўп. Лекин уни амалга ошириш учун кўп саъй-ҳаракат қилиш керак. Аввало халқимизнинг тиббий савиясини шакллантиришимиз керак. Токи улар соғлиқ нақадар улуғ неъмат эканлигини тушуниб етсинлар. Чунки ҳали ҳам халқ орасида буни англамайдиганлар кўпроқ. Бундайлар шифокорларга ишонишмайди. Берган кўрсатмасига амал қилмай, ўз билганини қилади. Кейин оғир аҳволда яна бизга мурожаат қилишади. Бундай пайтда тиббиёт аёлни, беморни сақлаб қолишга ожизлик қилади. Шунинг учун шифокорларга ишониш керак. Бизнинг мақсадимиз аёлларга ҳамиша енгиллик яратиш, уларнинг жонларига малҳам бўлиш. Шу орқали етук, соғлом авлодни етиштириб бериш экан, уларнинг соғлиғини, келажагини бир зум ҳам эътибордан четда қолдирмаймиз.

Суҳбатдош Назира СОДИҚОВА.

ХУРУЖ КУЧАЙГАНДА

БОЛАЛАРДА шайтонлаш ҳолати бир қанча асаб касаллиги белгиси сифатида учрайди. Энг ачинарлиси шундаки, кишилар оддий шайтонлаш касаллиги деб ҳисобланган ҳуружлар энг оғир, ўзига хос тутқаноқ касаллигининг бирдан бир белгиси бўлиши мумкин. Бу касаллик кўпинча асоратсиз ўтиб, бола тезда ўз ҳолатига қайтади. Бунда баъзи кексалар «Ҳа, отасида ҳам бўлган, ҳеч нарса қилмайди, ҳуруж вақтида пиёз ҳидлатсак бўлгани» деб эътиборсизлик билан қарашади. Ваҳоланки, бу касаллик кўпинча турли хил беморларда учраб туради.

Касалликнинг ҳуруж вақтида боланинг эс-хуши бирдан йўқолади, юзида кўкариш ҳолати пайдо бўлади. Қўл, оёқ, юз мускулларида тиришишлик, тортишишлик, баъзан титраш шакллари ҳам кузатилади. Бундай ҳуруж вақтида боланинг оғзидан кўпик чиқиши, агар тилини тишлаб олса қонли кўпик чиқиши мумкин. Вақт ўтгач, ҳуруж пасайиб бола тинчиб, ранги анча ўзига қайтади, уйқуга ҳам кетиши мумкин. Уйқудан турганч бола ҳеч қандай ўзгариш бўлмагандек тағин ўз ўйинини давом эттиради.

Бундай ҳуруж вақтларида айтганимиздек ота-оналар довдираб қолишлари аниқ. Бундан ташқари бола қанчалик ёш бўлса, ташқи муҳитнинг ўзгаришларига ва инфекцияларга шунчалик тез берилувчан бўлади. Бундай болаларда хасталик тезроқ такрорланиб туриши мумкин. Бола катта бўлиши, ўсиши, улғайиши билан биргаликда бош мия фаолияти секин-аста мустаҳкамланиб бориб, касаллик ҳуружи сийраклашади. 5—7 ёшларга борганда бутунлай йўқолиб, такрорланмаслиги мумкин.

Агарда шайтонлаш бўлажак тутқаноқ касалининг аломатларидан бири бўлса, болада аста-секин худди шу касалликка хос ўзгаришлар пайдо бўла бошлайди. Болада ўжарлик, тез қўзғалувчанлик, серхархашалик, сержаҳллик пайдо бўлади ва эслаш қобилияти кун сайин заифлаша бошлайди. Уйқуси ўзгаради, умуман салбий ҳолларда боланинг руҳий ўзгаришлари тезроқ ва умумийроқ бўлади. Хуруж такрорланиши билан бир қаторда асабийланиш белгилари кўпайиб, ўзгариб боради. Айниқса, мўмин, қобил, ўзининг ижобий кўрсаткичлари билан фарқланиб турган болада борган сари одоб-ахлоқ ўзгара борса, бундай вақтларда мутахассисга бориб, шайтонлаш ҳолатини тез-роқ тўхтатишга ҳаракат қилиш лозим.

Жуда кўп ота-оналар шошиб қолгандан нима қилишларини билмай хуруж вақтида беморларга нашатир спиртини ҳам ҳидлатадилар, бу албатта нотўғри. Нашатир спирти болаларда ёки катталарда хуружнинг такрорланишига олиб келиши мумкин. Пиёзни кесиб ҳидлатишнинг фойдаси ҳам деярли кам. Шайтонлаш ёки тутқаноқ хуружи тез-тез такрорланиб турадиган бўлса, доимо шпатель (поликлиникаларда шифокорлар томоқни кўрадиган узун ясаси ялтироқ темирча) тайёр туриши керак. Хуруж вақтида шпателни тезда жаг тишлари орасига қўйиб, оғизни озгина очиқ ҳолда ушлаш керак. Бундай ҳолда бола ёки катта бемор ўз тилини тишлаб олмасликка ёрдам берган бўламиз. Айрим пайтларда шпатель ўрнига оқ матога бир неча қават қилиб ўралган темир қошиқ қўйиш ҳам мумкин. Беморларда олинадиган сунъий тишлар бўлса, уларни дарҳол оғиз бўшлиғидан олиш лозим. Бўлмаса кишилар нафас йўлларига бориб уни беркитиб қўйишига сабабчи бўлади.

Хуруж ўтгандан сўнг, беморларнинг лабларини, тиш ва милкларини юмшоқ сочиқ ёки салфеткалар ёрдамида артиб тозалаш керак. Агар бемор тили, лаби, лунжини тишлаган бўлса, қон юққан ерларини артиб, тишлаган жойларига малҳам суюқлигини суртиш мақсадга мувофиқдир. Айрим кишилар йод суртишга уринадилар. Ваҳоланки, йод кўпинча суртилган ернинг шиллиқ қаватларини куйдириш хусусиятига эга эканлигини эсдан чиқармаслик лозим.

Айрим ҳолатларда хуруж вақтида беморларда шайтонлаш ўрнига ҳар хил таассуротлар пайдо бўлиши, бемор тезликда эс-ҳуши ўзига келиб, нормал ҳолга қайтиши мумкин. Бундай вақтларда албатта асаб мутахассисларига кўрсатиб, уларнинг назоратида туриш лозим. Тез-тез шайтонлаш хуружи бор беморлар кўчада, уйда доимо назорат қилиб турилса мақсадга мувофиқ бўлади. Назорат вақтида хуруж бирдан бошланиб қолса, аввало мушаклар тиришиш, тортишиш вақтида қўл-оёқлар, айниқса бош суякнинг атрофдаги қаттиқ ерларга урилиб, зарарланишидан сақлаб қолишга ҳаракат қилиш керак. Тезлик билан бўйнини қисиб турган ёқани, қўйлак тугмаларини ва белидаги камарини ечиб юбориш лозим. Хуруж транспортда юз берса, у вақтда беморни бекатда тушириб, бирор жойга ётқизиб, дарҳол «тез ёрдам» машинасини чақириб, касалхонага олиб бориш даркор.

Шомурод ШОМАНСУРОВ,
Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти болалар асаб касалликлари кафедрасининг мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

КИШИ қаерда, қайси вазифада ишлашидан қатъий назар маблағларни, хом ашёни, вақтини тежаб-тергаса иш унуми ҳам салмоқли бўлаверади. Бинобарин халқимиз «Тежоғли иш — безоғли» деб бежиз айтмаган. Бу гап айниқса ёнилғи манбаларидан ҳозирги пайтда тежаб-тергаб фойдаланишга айниқса тааллуқлидир. Чунки ёнилғи манбалари ҳозир бошқа давлатлардан харид қилиб олинмоқда. Шу жиҳатдан олганда электр қувватини тежаб-тергаб сарфлашда ҳам катта ҳикмат борлигини яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз. Бироқ минг таассуфки, Тошкентнинг айрим корхоналарида иқтисод масалалари билан етарлича шуғулланилмаяпти, электр қувватидан фойдаланишда хўжасизликка йўл қўйилмоқда. Келинг, гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун далилларга мурожаат қилайлик.

** Барака — тежамда*

ҲАММАМИЗНИНГ ИШИМИЗ

Тошкент шампань винолари заводи 3061 киловатт-соат электр қувватининг ортиқча сарфланишига йўл қўйди. Бунинг учун корхонага 198 минг сўм миқдорида жарима солинди. Тошкент йигирув-тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси эса қарийб 24 минг киловатт-соат электр қувватини ортиқча сарфлаган эди. Бунинг учун корхона 1 миллион 544 минг сўм миқдорида жарима тўлашга мажбур бўлди. Тошкентдаги пиво заводи эса электр қувватини исроф қилишда жуда ҳам меъёридан ошиб кетди. Бу ерда 34 минг 975 киловатт-соат электр қуввати ортиқча сарфланди. Бунинг эвазига корхона 2 миллион сўмдан зиёд ҳажмда жарима тўлади. Бу рўйхатни яна истаганча давом эттириш мумкин.

Ўтказилган текширув чоғида электр қувватидан оқилона фойдаланмаслик ва уни ўғирлаш ҳоллари ҳам содир бўлаётганлиги, аниқланди. Масалан, Уйғур кўчасида Юнусобод универсал дўкони филиали қурилиши олиб борилаётган жойда электр билан пайвандлайдиган аппарат ўзбошимчалик билан улаб олинган. Электр қурилма узиб қўйилди ва универсал дўкони раҳбариятига 328,5 минг сўм ҳажмда жарима тўлаш зарурлиги айтилди.

Маиший турмушимизда ҳам иқтисод ва тежамкорликка риоя қилишнинг аҳамияти катта эканлигини эслатиб ўтиш керакка ўхшайди. Зарур бўлмаган пайтда электр қувватидан фойдаланишнинг асло кераги йўқ, электр қурилмаларни ҳам ўз вақтида ўчириб қўйишни унутмаслигимиз даркор. Чунки сиз билан биз турмушимизда фойдаланаётган электр қувватига тўлаётган ҳақнинг салмоқли фоизини давлатимиз ўз гарданига олганлигини асло унутмаслигимиз керак. Бу ўринда ҳозирги пайтда электр қуввати ҳосил қилиш бир неча баравар қимматлашиб кетганлигини яна бир бор эслатиб ўтишга тўғри келади.

Гапимизни мухтасар этиб, яна бир далилни келтириб ўтмоқчимиз. Ҳар бир онла ағар бор-йўғи 20 киловатт-соат электр қуввати сарфланишини қисқартирса бундан кўриладиган наф анча салмоқли бўлар экан. Ваҳоланки, шунча электр қувватини тежаш бирорта онладан на катта саъй-ҳаракат талаб қилади ва у онлага зарар келтиради. Лекин шунча миқдордаги электр қувватини тежаш сиз билан бизга фақат фойда келтиради.

Доривор гиёҳлардан тайёрланган шифобахш шарбатлар турли касалликларга даво бўлади. Шунинг учун унга талаб тобора ортмоқда. Шаҳримизнинг 1-Марказий дорихонаси тасарруфида фаолият кўрсатаётган доривор ўсимликлардан тайёрланган шарбатлар билан аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

СУРАТДА: доришунос Лобар Зокирова.

Виктор Багаев сурати.



⊙

6-шифохона қошида ташкил этилган аллергик марказ аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Айниқса марказнинг 2-бўлимидаги қўли енгил шифокорлардан бу ердан соғайиб чиқиб кетаётганлар мамнун бўляптилар.

СУРАТДА: шифокор Мунаввар Аъзамова ва ҳамшира Назокат Абдуллаевалар.

И. Қўшвоқов сурати.

** Билиб қўйган яхши*

ПАРИШОНХОТИРЛИК ДАВОСИ

АЙРИМ одамлар ёшлари ўттиздан ўтгач кўп нарсаларни ёдда сақлаб қолишга қийналаётганликлари, гоҳида энг оддий буюмларини қаерга қўйганликларини эсдан чиқариб қўядиган бўлиб қолаётганларини кўриб буни қарилик аломати, дея ҳисоблайдилар. Франциялик шифокорларнинг фикрича эса бу хотирадан фойдаланмай қўйганлик, уни машқ қилдиришга (қарангки, хотирани мускуллардек чиниқтириб туриш лозим экан) эътиборсиз қараганликлари оқибатидир. Айнан шу муаммо устида илмий тадқиқот ўтказган олим Жан-Мари Бурр эса паришонхотирлик дардига мубтало бўлганларга қуйидаги маслаҳатларни беради:

Энг аввало овқатланишни тартибга солиб, унда ёғларнинг кам бўлишига аҳамият бермоқ зарур. Қоласверса, турмушда фақат ўсимлик мойидан фойдаланишни йўлга қўйиш жуда муҳимдир. Шунингдек, эътиборингизга ҳавола этилаётган оддий машқлар тезкор давримизда махсус вақт ажратишга имкони йўқ одамларга-да қўл келади деган умиддамиз, ваҳоланки, атиги бир неча дақиқангизни «ўғирласада» уларнинг фойдаси жуда катта.

⊙ 1-машқ. Диққатни тўплаш. Айтайлик, сиз телефон рақамларини ёдда сақлаб қолишингиз керак. Бошқа муаммоларингизни унутиб бутун диққатингизни ана шу рақамларда тўпланг. Эшитиш қобилиятингиз яхши бўлса, бир неча бор овоз чиқариб такрорлаб, тасаввурингиз аъло даражада бўлса, рақамларни кўз олдингизга келтириб эслаб қолишга урининг.

⊙ 2-машқ. Текшириш. Сиз доимо ўзингизни назорат қилиб боришга одатланинг. Ёдингизда бўлишидан манфаатдор бўлган телефон рақамларингизни вақти-вақти билан хаёлан такрорлаб туришга одатланинг. Хотирангиз сиз учун телефон рақамлари битилган дафтарчангиз вазифасини ўтасин.

⊙ 3-машқ. Эслаш. Бировни кутиш пайтида вақтнинг жуда секин ўтиши барчага маълум. Сиз эса ана шу бўш вақтингизни «тўлдиришга» ҳаракат қилинг. Телефон рақамларини хотирада қайтадан тиклаш, ёки олдингиздан ўтаётган йўловчиларнинг ташқи қиёфасини хаёлан чизишга, уларнинг юриши, қўл ҳаракатлари, кийим-кечагидан касби-кори ҳақида ўзингизча хулоса чиқаришга урининг.

Шуҳрат ЗОКИРОВ тайёрлади.

● **Негадир кўзим ёшланиб туради. Бунинг сабабини билмоқчи эдим.**

Э. КОМИЛОВ, меҳнат кексаси.

⊙

КЎЗ ёши ёш каналчалари, ёш халтачаси ва ёш-бурун каналлари орқали бурун бўшлиғига ўтади. Ёш кўп ишланиб чиққанда ёки оқиши қийинлашганда кўз ёшланади. Кўпинча кўзга ёт жисмлар тушганда, муғиз парда яллиғланганда ҳам кўз ёши кузатилади. Бундай ҳолларда асосий касалликни даволаб ёш оқиши тўхтатилади. Кўз ёши йўллари ўтказувчанлиги ўзгарганда (торайганда ёки бекилиб қолганда) кўз ёшининг бурун бўшлиғига оқиши қийинлашади ёки бурундан ўтмай қолади. Бундай ҳолларда операция қилинади. Баъзи кишиларда совуқда, шамолда, кучли ёруғлик тушганда, чанг таъсир этганда кўз ёши кузатилади. Бундай пайтларда ҳимоя кўзойнакларидан фойдаланиш, кўзни тоза дастрўмол ёки дока салфетка билан артиб туриш тавсия этилади. Кўзи ёшланган кишилар кўз шифокорига мурожаат қилишлари зарур.

⊙

⊙ Ёшинг улғайгач тери бўшашиб қолар экан.

Терини таъсирлантирадиган ва таранглайдиган воситалар борми?

Л. ОРТИҚОВА, Тошкент туманида яшовчи нафақахўр.

ТЕРИСИ бўшашган кишилар кечаси уйқуга кетишдан олдин салқин сувда ювинишлари фойдалидир. Шунингдек тузли сув ҳам яхши таъсир этади. Бир стакан сувга бир чой қошиқ туз солинади. Пахта ёки сочиқнинг бир учини шу эритмада ҳўллаб юз ва бўйин терисига енгилгина урилади. Тери бўшашган бўлса, қишда лимондан, ёзда эса бодрингдан ниқоб тортиш яхши таъсир кўрсатади.

Мутахассисларнинг маслаҳатлари асосида Шавкат САЪДИЕВ тайёрлади.

МИНГ БИР САВОЛ

** Тарихимизнинг ўқилмаган саҳифалари*

МАЪРИФАТ АСКАРИ

НОСИР Саидий ўзбек миллий педагогикаси ва бадиий ижодиётида, сатирачилиги назараётида салмоқли ўрин тутган, 20- ва 30-йиллар маданиятининг таниқли намояндаларидан эди.

У 1901 йилда Тошкент шаҳрида туғилди: дастлаб рустузем ва эски мактабларда ўқиди. Асли маорифчининг фарзанди, бўлажак маърифатпарвар Носир ака ўз устида тинимсиз ишлаб, илм ўрганди. Носир Саидий Тошкент маориф (иннрос) институтига кириб, уни 1923 йилда тил-адабиёт соҳаси — туркий тиллар гуруҳини битириб чиқдида, шу ерда — ўзбек тили кафедрасида муаллимликда олиб қолинди. Албатта Носир Саидийнинг илмий ва педагогик салоҳати, ажойиб ташкилотчилик қобилиятини сезган мазкур институт ректори Мажид Қодирийнинг ундан умидлари катта эди.

Бу ерда, яъни филология кафедрасида Носир ака атоқли шоир ва таниқли педагог Элбек (Машриқ Юнусов) билан ҳозирги ўзбек тили, тил тарихи ва адабиёт тарихидан дарс берди. У ўзининг ҳар бир дарсининг мазмунли бўлиши устида тинмай изланиб, дарс жараёнидаги орттирган тажрибалари асосида аста-секин илмий-услубий мақолалар ҳам 30-йиллар маданиятининг таниқли намояндаларидан эди.

Тошкент эрлар педагогика билим юртидаги директорлик фаолияти давомида у жумҳуриятга танилган педагог-филологлар: Сандолим Шарофуддинов, Қаюм Рамазон, шоирлар Элбек, Боис Қориев — Олтой, Собир Қодиров, Умаржон Содиқов кабиларни ишга таклиф этиб, билим юртида таълим салмоғини оширди.

У узоқ йиллар Андижон вилоят халқ таълимига раҳбарлик қилиб, бу ерда миллий таълимни сезиларли яхшилашга ҳисса қўшди, янги мактаблар очди.

Атоқли педагог, тилшунос ва адабиётшунос зиёли Носир ака ҳар қандай раҳбарлик ишида ишламасин, у ўз билимини янада ошириш борасида изчиллик билан ишлади: газета, журнал ва бошқа тўпламларда маориф ва маданиятимизга оид кўплаб мақола ҳамда публицистик талқинлар эълон қила бошлади. Биргина 20-йилларнинг ўзида Носир Саидий қаламига мансуб бўлган 30 дан зиёд мақолалар босилиб чиқди.

Носир Саидий 1929 йилдан Узбекистон маориф халқ комиссарлигида ишлаб, ҳатто оз муддат бўлса-да, комиссарликка раҳбарлик ҳам қилган эди.

Носир Саидий маориф ташкилотчиси, ижодкор педагог бўлиши билан бирга адабиётшунослик соҳасида, айниқса ўзбек сатирачилигида ном чиқарган қалами ўткир филологжурналист эди. Унинг 20- ва 30-йилларда «Муштум», «Инқилоб», «Аланга» ва «Ер юзи» журналларида ўндан ошиқ илмий-амалий мақолалари босилиб чиқди.

Уни 1941 йилнинг қирчиллама қиши, ҳуштакли изғирин шамоли илма-тешик уйларга ҳам бостириб кирган, ўз ҳукмига бўйсундираётган аёзли кунда ҳибсга олдилар. Айниқса, ўша кеча олдингиларидан ҳам совуқ келди.

Носир ака яшайдиган барак уйга уч барзанги кириб келди...

— Улар отамнинг такрор қамоққа олинганлигини эслатишди-да, унн ўрнидан қимирламасликка буйруқ бериб, онам, 14 яшар Дилбар опам ва мени ечиниб, яланғоч бўлишга ва девор олдида қўл кўтариб тик туришга буюрди. Биз бош тортдик, — деб эслайди ич-ичидан куйиб, ўта тўлқинланиб қизи Раъно опа, Ўнг гапида давом этди:

— Улар куч ишлатди, тўппонча ўқталишди. Отам бизга қараб маъюс ҳолда дедилар: «Бахтсиз хотинжоним, азиз фарзандларим, не қилай, иложсизман. Мен сизларни қутқара олмайман, мени кечиринглар». Хуллас, бизни отамиз қаршиларида яланғоч қилишиб, кўкракбоғларимизгача қўл тиқишиб текширишди. Биз опам билан фақат йиғлаш, падаримиз олдиларида яланғоч туришдек бахтсизликдан номус қилиш билан ёнар эдик. Отамиз ҳалиги беномусларга қараб: «Улдирсанг, ўлдиргин-ку, аммо қизларимни менинг қаршимда ечинтирма, номардлар», деб нола қилганлари ҳали-ҳали қулоғимда жаранглайди...

Шундай қилиб, ўша мудҳиш 1941 йилда Носир Саидов узоқ муддатга турма жазосига ҳукм этилди.

Йигитлик қаймоғини қийноқлар, зулм ва камситишлар гирдобида ўтказган, социалистик тузум бебошликлари зиндонида қурбон бўлган, халқ маорифини гуллатиш йўлидаги фидойи, бу соҳадаги педагогик ва ташкилотчилик эзгу режалари амалга ошмай қолган атоқли маорифчи, юксак маданиятли зиёли турмада 1942 йилнинг 5 майида оғир хасталикдан вафот этди. Армонли дунё барпо этган золимлар қийноғига-терговига нуқта қўйилди. Бир улуғ инсон, ўз халқи, унинг маорифи, истиқлоли йўлида курашган маърифат аскари ҳаётдан ана шундай фожиали кўз юмди.

Ўзбекистон ССР Олий судининг 1959 йил 9 июнь ҳамда СССР Олий судининг 1960 йил 25 март қарори билан Носир Саидов тўла оқланди.

Ҳайдаралн УЗОҚОВ, тил ва адабиёт илмлари номзоди, доцент.

● Ўғриларнинг қинғир қилмишига ғов қўядиган шундай хавфсизлик қоидалари ҳам борки, уларга рноя қилишнинг нафи катта. Жамоатчи мухбиримизнинг Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг қўриқлаш бошқармаси бошлиғи, милиция подполковники Илҳом Исломов билан суҳбати ана шу мавзуда бўлди.

— Илҳомжон Икромович, бошқармангизнинг номидан ҳам зиммаларингизда қандай вазифалар турганлигини тасаввур этиш мумкин. Шундай бўлсада фаолиятингиз доираси хусусида икки оғиз гапириб берсангиз.

— Тошкент шаҳар ИИББ қўриқлаш бошқармаси ҳар бир туманда жойлашган қўриқлаш бўлими, бўлинмалардан ташкил топган бўлиб, давлат ва фуқаролар мулкини муҳофаза қилиш мақсадида тузилган. Айни вақтда алоҳида муҳим иншоотлар, саноат корхоналари, хом ашё ва тайёр маҳсулотлар сақланадиган жойларни, ташкилот, муассаса биноларини ҳамда фуқароларнинг хонадонларини ҳам қўриқлаяпмиз. Тошкент шаҳрида 31 жойда марказлаштирилган қўриқлаш бошқарув пультлари бор. Унда 17 мингга яқин фуқароларнинг хонадонларига ўрнатилган мосламаларни назорат қилишга, 3 мингдан ортиқ корхона, ташкилот ва муассасаларни, 2800 махсус иншоотларни кучайтирилган тартибда қўриқлаш йўлга қўйилган. Автоулов ёки пиёда ҳолда белгиланган жойни айланиб қўриқлаш пультларни назорат қилиб қўриқлаш, қоровуллик ва ҳарбий соқчилик тартибида иш юритяпмиз.

— Милиция ходимлари томонидан қўриқланадиган жойларда ўғирлик ва ташмачиликлар қоровулликка олинган фуқароларнинг қўриқлайдиган жойларинингидан анча фарқ қилса керак-а?

— Бизнинг хизматчиларда масъулият муассасаларга тегишли қоровулларга қараганда жуда катта. Умуман олганда милиция хизматига ўтаётганлар ҳар қандай хавф-хатардан тап тортмайдиган, жиноятчиликка, қонунбузарликка қарши курашда ортга чекинмайдиган кишилардан бўлишлари кераклигини яхши билишади. Уларга қўйиладиган талаб ҳам, жавобгарлик ҳам анча катта. Корхона, муассасаларга тегишли қоровуллар қўриқлаш бошқармасига, яъни бизга тегишли бўлса мулк муҳофазаларида фойда катта бўлади. Зеро, бошқармамизда фаолият кўрсатаётган милиция ходимлари ва қоровуллар махсус тайёргарликлардан, машғулотлардан ўтиб туришади, қўриқлаш сир-асрорларини билишади.

— Баъзи бир корхоналар қандайдир «маҳорати зўр» гуруҳларни қоровулликка ёллашаяпти, деган гапларни ҳам эшитиб қоламиз.

— Бундай ҳоллар ҳам учраб турибди. Уларнинг корхона раҳбариятига, яхши қўриқлаганидан кўпроқ келишувчанлиги ёқади. Милиция ходимлари ҳарбийча интизом, қонун-қоида ва тартиботлар асосида иш юритишади. Ўзлари ҳуқуқ-тартибот ҳимоячилари бўлгани учун ҳам ҳар қандай найрангларга учмайдилар. Улар махсус бошқарув тизимига эга бўлиб кучли назорат остида иш юритадилар. Давлат одами ҳисобланганлари учун ҳам давлат мулкига, фуқаролар мулкига хиёнат бўлмайди. Бу бор ҳақиқат. Ҳар қандай соҳа, ҳар қандай диладан бўлгани каби бизнинг орамизда ҳам нопок йўлга киришни кўнгли тусаётганлар бўлса бордир. Лекин биз уларга қарши кескин кураш олиб бормоқдамиз ва кадрлар танлаш масаласига қатъий қараймиз. Гап қўриқланишдаги фарқ устида кетаётган экан, яна шуни қатъий ишонч билан айтишим мумкинки, бизнинг ходимларимиз шундай масъулиятли, машаққатли ва хатарли касбга умрларини, бутун меҳнат фаолиятларини бағишлашган. Қанақадир шартномалар билан қандайдир муддатга ёлланганлар тўғрисида эса бундай гапларни айтиш қийин. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1992 йилда чиқарган қарори бор бу ҳақда. Унда ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларининг вазифаларини бажарувчи норасмий тузилмалар фаолиятини тақиқлаш ҳақида аниқ кўрсатмалар берилган.

— 17 мингга яқин фуқароларнинг хонадонини қўриқлаётганларингиз ҳақида гапириб ўтдингиз. Қўнғироқлар ўрнатилиб назоратга олинган хонадонларда ҳам ўғирликлар бўлиб турадими?

— Ҳа айтганча, ўтган 6 ой мобайнида биз назоратга олган халқ хўжалиги иншоотларида 5 марта, фуқароларнинг хонадонларида эса 1 маротаба ўғирлик содир этилди. Бунда ҳам ўғрилар бинонинг сигнализация ўрнатилмаган томонидан киришгани учун ўз вақтида хабар ололмаганмиз. Ўғирликка тушадиганлар тўғри келган жойга сакрайвермай, олдин кузатиб сўнгра ҳаракатини бошлашади. Ходимларимиз қўриқлайдиган жойга кимдир кириши билан ўрнатилган махсус мосламаларимиз хабар беради. Туну кун шай турган махсус тезкор гуруҳимиз эса зудлик билан жиноят содир этилган жойга етиб боришади. Улар шаҳар туманларининг турли ҳудудида жойлашганлари учун ҳам етиб боришлари ва жиноятчиларни қўлга туширишлари учун кўп вақт кетмайди. Аксарият ҳолларда жиноятчилар кўзлаган ўлжаларини қўлга олишга улгурмай турибоқ, қўлга тушадилар. Энг ёмони шундаки, ёвуз ниятли кишилар ўғирликка тушганларида босқинчилик, қотилликларга ҳамда ваҳшийларча фуқароларнинг ўзларига ва оилаларидаги кексаю ёш кишиларга оғир тан жароҳати етказиш ва ҳатто ҳаётларига зомин бўлишдан ҳам тап тортмайдилар. Шу жиҳатдан олиб қаралганда биз кўпгина фуқароларнинг мулкинигина эмас ҳаётларини ҳам сақлаб келяапмиз, хавф-хатардан халос этяапмиз.

** Шундай хизмат бор*

ЭЛ МУЛКИНИ МУҚАДДАС БИЛИБ

Ўрни келганда сизга номаълум бўлган бошқа томонини айтсам, бошқармамиз хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатмоқда. Фуқароларнинг хонадонларини қўриқлаш учун жуда катта сарф-харажат қиляпмиз. Ҳозирги кунда нарх-навонинг юқорилиги, тақчилликнинг тобора кучаяётгани ҳеч кимга сир эмас. Фуқаролар тўланиши керак бўлган умумий пулнинг 70—80 фоизини ва ҳатто 50 фоизини тўлаётган бўлсалар ҳам, мурожаат этиб уйларини қўриқлашимизни сўраётганларнинг бирортасига рад жавобини берганимизча йўқ. Биргина ўтган 6 ой мобайнида 932 фуқароларнинг хонадонини қўриқлашга олдик. Уларнинг осойишта ҳаётини таъминлашнинг ўзи катта бойлик, катта бахт, қани энди имконият бўлса, иқтисод кўтарса-ю барча фуқароларни ўғрию босқинчилар хавфидан халос этиб, тинч уйқусини таъминласак.

— Хонадонини сизларнинг назоратларингизга топширадиган фуқаролар қанчадан ҳақ тўлашлари керак бўлади? Агарда ўрнатилган мослама-техникаларингиз ишламай қолса ёки ходимларингизнинг қандайдир хатоси, лоқайдлиги билан ўғрилик содир этилса хонадон соҳиблари ўғри топилгунча дод-фарёд солиб қолавершадими?

— Ҳақ тўлашлари бўйича алоҳида тарифимиз бор. Унда асосан хонадон хоналари, қанақа хабар берувчи мослама ўрнатилишининг, ҳамма буюмларнинг умумий қиймати, паст-баландлигига кўпроқ эътибор қаратилган. Бизнинг ҳатомиз билан ўғирлик содир этилиши эса деярли бўлмаган. Фуқароларимиз бундан кўнгилларини тўқ тутаверсалар ҳам бўлади. Аммо шундай нохушлик бўлган тақдирда ўғирланган буюмларнинг қиймати миқдорида фуқароларга ҳақ тўлаймиз.

— Илҳомжон ака, сизга оғир ботмасину, назаримда қоровуллар бошқа ишу ташвишлардан сўнг қоровулликка дам олишга бораётганга ўхшаб кетади. Чиндан ҳам шундайми?

— Боя айтиб ўтганимдек бизда интизом ҳам, масъулият ҳам кучли. Милиция ходими бўлганимиз учун ҳам жамики қонунбузарлик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ҳар бир ходимимизнинг бурчи ҳисобланади. Ўтган 7 ой мобайнида ходимларимиз томонидан 297 та жиноят очилган. 317 шахс жиноят содир этиш ҳаракатида бўлганда қўлга олинган. 27.430 шахс қонун ва ҳуқуқбузарлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган. Давлат мулкини талон-тарож қилаётган 2412 та шахс қўлга олинган бўлиб, 3.628.614 сўмлик маҳсулот ва буюмлар улардан тортиб олинган.

— Шуларга бир-икки мисол келтирсангиз.

— Бажонидил. Биргина ўтган 6 ой мобайнида 46 жойда содир этилаётган жиноятнинг олди олинган. Жумладан, яқинда Мирзо Улуғбек тумани Циолковский кўчасидаги озиқ-овқат дўконларидан бирининг ойнасини синдириб жиноятчилар ичкарига кириши билан навбатчи операторларимиз назоратида турган техник мосламалар огоҳлантириш сигналини берди. Воқеа содир бўлган жойга тезда етиб борган ходимларимиз катта миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларини ўмариб кетмоқчи бўлган жиноятчиларни қўлга олишди. Шунингдек, 20 июнга ўтар кечаси Собир Раҳимов туман ИИБ га қарашли қўриқлаш бўлимининг ходимлари А. Имомхўжаев ва Н. Соатовлар «Саноатэнерго» трести иншоотини қўриқлаб туриб икки номаълум шахснинг трест ҳудудига яширинча ҳаракат билан кираётганини кўриб қолишди. Изма-из ўғриларни кузатиб боришди. Уларнинг омбор томон йўл олаётганини сезишгач, Марказий қўриқлаш пультига хабар беришди. Тез орада бошқа ходимларимиз ҳам ёрдамга етиб боришди. Шу тарзда катта қийматдаги бензин ва қурилиш материалларини ўғирлаб кетмоқчи бўлган кимсалар қўлга олинишди.

«Электр соқчи» деб аталаётган хонадонларни махсус қўриқлаш марказлари томонидан назоратга олинган уйларнинг бўлса 14 тасида ҳам шундай ўғирликларнинг олди олинди.

Олдинлари баланд овоз чиқариб жиринглайдиган, яқин атрофдагиларни хабардор қиладиган техник мосламалардан фойдаланиларди. Бунда ўғриларни қўлга олиш учун қанча тез ҳаракат қилинмасин кўплари қочиб қолишга улгуришади. Ҳозирги даврда бошқа турдагилардан, яъни, хабарни фақатгина белгиланган, назорат қилиб турилган алоҳида хонадаги кишиларгагина билдирадиган мосламалардан кўпроқ фойдаланяпмиз. Ўғирликка тушадиганлар уй эгаларининг йўқлигини ёки бор бўлса ҳам сезмасликларини пойлашади. Кирган уйида сигнализация ўрнатилган-ўрнатилмаганини билишмайди. Бошқармамиз ходимлари эса тўсатдан келиб уларни ушлашмоқда. Бу эса содир этилиши мумкин бўлган катта фожиалар, нохушликларнинг олдини олишда муҳим омил бўлади.

— Азалдан ўғирлик энг жирканч иллат сифатида қораланиб келинган. Ота-боболаримиз ўғирликдан ҳам, ўғрилардан ҳам қаттиқ ҳазар қилишган. Аммо кейинги даврда устомон ўғрилигидан керилиб юрадиганлар кўпайиб қолганди. Эндиликда уюшган жиноятчиликка қарши кескин кураш бошлангач вазият ҳам, одамлардаги дунёқараш ҳам бирмунча ўзгарди. Ҳаракатларимизни шундай давом эттираверсак яна олдиндагидек савдо расталаридаги маҳсулотлар очиқ турадиган, хонадонлар қулфсиз, темир эшикларсиз яшайдиган давр келармикан?

— Ҳамма нарса ўзимизга, халқимизга, ҳатти-ҳаракатимизга, муносабатларимизга боғлиқ. Ҳозирча бировларнинг ризқига чанг солишни одат қилган унсурлардан ҳимояланиш, қўшниларимизни ўғри тутмаслик учун ўзимизни эҳтиёт қилишга мажбурмиз. 1993 йилнинг биринчи ярим йиллигида жиноятчилик кўринишларининг барча турларида кескин камайиш бўлган. Биргина фуқароларнинг хонадонларидаги ўғирликлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 29.1 фоизга камайган бўлса, давлат мулкининг ўғирланиши 21,7 ва шахсий мулкларнинг ўғирланиши 34,1 фоизга камайган. Бу рақамлар замирида оғир, самарали меҳнат ётгани бор гап. Аҳолининг сони ошган, вақт ўтган сайин жиноятчиликнинг кўпайиши табиий ҳолдек бўлиб бораётганди. Бироқ жиноятчиликка қарши кураш умумхалқ иши деб қаралгани, ҳамкорликда иш юритилгани боисидан кўпгина жиноятчиликларнинг пайини қирқишга, жиноятларнинг олдини олишга эришмоқдамиз. Бундай ҳамжиҳатлигимиз кучая бораверса жиноятчилик ҳам камая бориши шак-шубҳасиздир.

Суҳбатдош Абдураҳим ХАЛИЛОВ.

** «02» хабар беради*

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

1993 йилнинг 6—12 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида қайд этилган жиноятлар сони ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан 11,4 фоизга камайди, уларнинг изларн босилмасдан очилиши даражаси эса 76 фоизни ташкил этди.

● 6 сентябрь эрталаб икки номаълум кимса Интизор кўчасида жойлашган мусиқали асбоблар фабрикаси ҳудудига кириб қоровулни жисмоний куч ишлатиш йўли билан қўрқитиб фабрикадан ҳар бири 420 минг сўм турадиган 14 дона тикув машинасини олиб номаълум йўналишда ғойиб бўлганлар. Мирзо Улуғбек тумани милиция ходимларининг зудлик билан кўрган чора-тадбирлари натижасида мазкур жиноятни ушбу фабриканинг қоровулларидан бири амалга оширганлиги аниқланди ва у қўлга олинди. Унинг шеригини ушлаш чоралари кўрилмоқда.

● 7 сентябрга ўтар кечаси 1975 йилда туғилган, ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган йигит Ҳ. Абдуллаев шоҳкўчасидаги тижорат дўконларидан бирининг орқа деворини бузиб ичкарига кирган ва умумий қиймати 785.908 сўмлик буюмларни ўмариб, яшириниш пайига тушганида Мирзо Улуғбек тумани тартиб посбонлари томонидан қўлга олинди.

● 7 сентябрь кундузи беш номаълум кимса Юнусобод даҳасидаги Вьетнам Республикасининг фуқароси истиқомат қилаётган хонадонга бостириб кириб уй соҳибига тўппонча ва пичоқ ўқталиб, унинг 40.000 сўм пули, 6.600 АҚШ доллари, учта соати ва икки дона курткасини олиб ғойиб бўлганлар. Бу ҳақда Юнусобод туман ички ишлар бошқармасига хабар келгач, тартиб посбонларининг саъй-ҳаракатлари билан босқинчиликни амалга оширган вьетнам миллатига мансуб икки ёш йигит қўлга олинди, ҳозир уларнинг шериклари изланмоқда.

● 8 сентябрь куни Тошкент метрополитенини қўриқлаш хизматидаги милиция ходимлари томонидан метронинг «Тошкент» бекатида Қозоғистоннинг Кентов шаҳрида яшовчи, 1961 йилда туғилган фуқаронинг ёнидан 1640 грамм миқдорда гиёвандлик моддаси топилди ва мусодара қилинди.

● 9 сентябрь куни илгари қўлга олинган уч фуқаро устидан тергов ишлари ўтказилаётганда маълум бўлдики, улар шу йилнинг август ойида «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг омборига том орқали кириб бу ердан 32 термосни ўғирлашган экан.

● 12 сентябрь куни Шайхонтоҳур туманидаги меҳмонхоналардан бирининг хонасидан номаълум кимса 400.000 сўм пул ўғирлагани аниқланди. Патрулпост хизмати 3-ротаси тартиб посбонларининг саъй-ҳаракати билан юқоридаги ўғирликда айбланиб, Новосибирск шаҳридан келган 1965 йилда туғилган кимса ушланди.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг матбуот шўъбаси.

** Ҳар тўғрида*

⊙ Санкт-Петербургдаги жамғарма биржасида биринчи марта овчилик ва спорт мусобақаларига мўлжалланган қуролларнинг кимошди савдоси ташкил этилди.

СУРАТДА: «Шарқ — Ғарб» кампаниясининг директори В. Зуйков фермерларга мўлжалланган қуролларни намойиш этяпти.

⊙ Америка Қўшма Штатлари хотин-қизлар ташкилоти илк бор «Қизларимизни ўз иш жойларимизга оламиз» шиори остида қизиқарли тадбир ўтказди. Бундан кўзланган асосий мақсад қизларни касб сирларидан хабардор этишдир.

СУРАТДА: ўн ёшли Алиса шу куни ўз онаси билан дўконда сотувчилик қилди.

РАТА—ТАСС суратлари.

** Кунлардан бир кун*

ШАТРАНЖ АЖОЙИБОТЛАРИ

1935 ЙИЛДА Москвада иккинчи халқаро турнир ўтаётган бир пайтда, жаҳон чемпиони Капабланка бир йўла ўйин сеанси бераётиб москвалик Батуринскийга қарши ўйинда аҳволи танг бўлиб қолади.

— Ремиз, — деди тўсатдан Капабланка, илтижоли овоз билан дуранг таклиф этаркан.

Кўнгилчан рақиби бу гапнинг маъносига тушунмай, жилмайиб қўйди. Буни кўрган жаҳон чемпиони шу захотиёқ тахтадаги доаларни йиғиштириб олди.

Ўйин дуранг билан тугади.

●

БИР миллионер Алёхиндан дастхат ёзиб беришини сўраганда, у ҳазиллашиб:

— Менинг дастхатим 1000 крон туради, — дебди.

Чиппа-чин ишонган миллионер Алёхин айтган миқдордаги пулни тўлабди.

Жаҳон чемпиони шу оннинг ўзидаёқ бу пулларни турнир комитетига бериб, келгуси турда биринчи бўлиб ўз партиясида ғолиб чиққан ўйинчига беришни тавсия қилибди.

Бу мукофот истеъдодли шахматчи Тартаковерга насиб этган.

●

НЕМИС гроссмейстери Ласкер Бостонда бир йўла ўйин сеанси ўтказаётганда бир шахматчи қийин аҳволга тушиб қолди. Лекин, бўш келмай, навбатдаги юришни қиламан деб келган жаҳон чемпионига дуранг таклиф қилди. Бу дадиллик Ласкерга хуш келиб, кулиб қўйди-ю, рақибининг таклифига рози бўлди.

Айтишларича турнирдан сўнг ўша шахматчи Ласкерга «Таслим бўлинг», демаганига пушаймон бўлган эмиш.

●

1934 ЙИЛДА Цюрихдаги турнирда франциялик гроссмейстер Бернштейн рақибидан ҳал қилувчи устунликка эришиб кутилмаганда қўпол хатога йўл қўйди. Ва дуранг билан қаноатланди. Авзойи бузилган Бернштейн:

— Мен шахматчиларнинг тентаги эканман! — дея хитоб қилди.

— Ажойиб фикр, — кулди Ласкер.

— Нима?! Чиндан ҳам шундай деб ўйлайсизми? Бўлмаса айтган гапингизни ёзиб беринг.

Ласкер бир варақ қоғоз олдида, ёзди:

«Справка. Доктор Бернштейннинг илтимосига кўра шуни тасдиқлайманки, у шахматчиларнинг энг тентаги экан. Эм. Ласкер».

●

ТУРНИР бошланишидан олдин Стейницдан сўрашибди:

— Сизнингча биринчи мукофотни олиш учун кимнинг имконияти кўпроқ?

— Менинг-да! — иккиланмай жавоб берибди жаҳон чемпиони. — Бошқаларга нисбатан менинг рақибларим бўшроқ десам янглишмасман.

— Нима учун?

— Уларга ўхшаб жаҳон чемпиони билан ўйнамайман-да.

●

ЭММАНУЭЛ Ласкернинг катта акаси Бертольд кучли шахмат усталаридан бири эди. Жаҳон биринчилиги учун ўтказилган Ласкер Тарриш матчида Бертольд бошқалар қатори қўшни хонада ўйиндаги юришларни муҳокама қилар эди. Унинг олдиндан тавсия қилган юришларининг кўпи укаси қилган юришларга мос тушиб, бир партияда 23 юришни тўғри топган. Шунга кўра, Бертольд кези келиб қолса, укаси ўрнига ўйнаши ҳеч гап эмас экан, — деб ҳазиллашишар эди.

●

БИР шахматчи шундай деган экан: «Ҳар қандай позицияни баҳолашда икки хил фикр мавжуд: биринчиси меники, иккинчиси — нотўғри фикр.

Тоҳир МУҲИДДИНОВ тайёрлаган.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ТЕАТР: ШАРҚ-ҒАРБ» ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИНИНГ БОШ ДИРЕКЦИЯСИ

Оммавий-ахборот воситалари радио ва телевидение вакилларини аккредитация қилиш учун фестивалнинг матбуот марказига таклиф қилади.

АККРЕДИТАЦИЯ 1993 йилнинг 25 сентябридан 23 октябригача Тошкент шаҳри, Ҳамза кўчаси, 51-уй — ЎЗБЕКИСТОН ТЕАТР АРБОБЛАРИ УЮШМАСИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Маълумот олиш учун телефонлар: 32-38-34, 32-36-43.

«РАКЕТА» ГАРАЖ-ҚУРИЛИШ ШИРКАТИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

1993 йил 20 мартда бошланган

«РАКЕТА—3» ВА «РАКЕТА—4» ГАРАЖЛАР АЪЗОЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

1993 ЙИЛ 15 ОКТЯБРДА ТУҲТАТИЛАДИ

Рўйхатдан ўтмаган гараж аъзолари ширкатдан чиқарилган деб ҳисобланади.

«РАКЕТА» гараж-қурилиш ширкати аъзолигига киришш учун қўшимча қабул эълон қилинади.

Хоҳловчилар 56-65-70 ва 56-22-36 телефонлари бўйича қўнғироқ қилсинлар ҳамда ҳар шанба соат 16.00 дан 17.30 гача Космонавтлар шоҳкўчаси, 6/2 «Ракета—2» га мурожаат қилсинлар.

«РАКЕТА» ГАРАЖ-ҚУРИЛИШ ШИРКАТИ БОШҚАРУВИ.

АҲОЛИ ВА КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ҲАМДА МАКТАБЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Шу эълон чиққан кундан бошлаб, 1 кг макулатура нархи 20 сўм қилиб белгиланади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАЙЁРЛОВ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

Тоза сув - ҳар бир хонадонга!

"УЛУҒБЕК" МУҲАНДИСЛИК МАРКАЗИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

"АКВА" ичимлик сувини тозалаш учун қўлланиладиган фильтрлар.
"АКВА" юқори самарали, енгил, ихчам фильтр водопровод сувини қўрғошин, симоб, мис, кадмий, кобальт, темир, рухлардан, уларнинг бирикмасидан, радионуклидлар, дағал тузлардан, ёқимсиз ҳид ва ҳоказолардан тозалайди.

Бир соат ичида Сиз 20 литр экологик тоза сув оласиз!

ФИЛЬТРЛОВЧИ ЭЛЕМЕНТНИ 5 ЙИЛ МОБАЙНИДА АЛМАШТИРМАСДАН ИШЛАТСА БЎЛАДИ.

Ҳақ тўлаш тартиби - турлича. Чакана нархда ва кўтарасига харид қилишингиз мумкин.

Тошкентдаги телефонлар: 76-66-72, 34-87-04, 22-06-44

Бизнинг фильтрларни Сиз Гоголь кўчаси, 38-уйда жойлашган "Электроника" дўконидан сотиб олишингиз мумкин.

Тошкент шаҳридаги
ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ ЭЛЧИХОНАСИГА

шошилинч равишда

ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ МУДИРИ

КЕРАК

Чилангар, электрчи ёки сантехник сифатида иш тажрибасига эга бўлиб, немис тилида мустақил иш юритиш тажрибаси ва «В» категориядаги ҳайдовчилик гувоҳномаси бор бўлиши шарт.
Маълумот олиш учун телефон — 34-45-30.

«Тошкент китоб» шаҳар китоб савдоси идораси жамоаси шу идора директорининг ўринбосари Э. Ш. Ризаевга акаси
Боқижон Шукурович РИЗАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош Бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби, Шайхонтоҳур ички ишлар бошқармасининг собиқ бошлиғи, нафақахўр
Азимжон ҲАКИМОВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.



МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 000101.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Офсет. Қоғоз бичими А — 2
Нашр кўрсаткичи 64690.

■ Босмага бериш вақти 11.30 ■ Босмага берилди 11.40. Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Буюртма Г—536. 17499 нусхада.